

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**

ЗОКИРОВ ШЕРЗОД ИЛХОМ ЎҒЛИ

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ
ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 347.963 (575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)
Оглавление авторефераата диссертации доктора философии (PhD)

Зокиров Шерзод Илхом ўғли

Прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлаш институтини
такомиллаштииш масалалари.....3

Zokirov Sherzod Ilhom ugli

Issues of improving the institution of working with appeals in the prosecutor's
office.....25

Зокиров Шерзод Илхом ўғли

Вопросы совершенствования института рассмотрения обращений в органах
прокуратуры.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published scientific works.....47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**

ЗОКИРОВ ШЕРЗОД ИЛХОМ ЎҒЛИ

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ
ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шахри – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Yu354 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахимов Фахри Хайдарович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Джураев Ихтиёр Бахтиёрович
юридик фанлар доктори, доцент

Файзиев Олим Раимкулович
юридик фанлар доктори

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий
Кенгashi хузуридаги Судьялар олий мактаби**

Диссертация химояси Бош прокуратура Академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақами Илмий кенгашнинг 2022 йил 5 июль куни соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 42. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Бош прокуратура Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (12-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 42, e-mail: info@proacademy.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил 18 июнда тарқатилди.

(2022 йил “17” июндаги 12-рақамли реестр баённомаси).

Б.Х. Пўлатов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Л.Х. Исоқов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

С.М. Рахмонова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарбилиги ва зарурати. Дунёда давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларга бўлган хукуқларини ҳимоя қилиш долзарб аҳамият касб этади. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1998 йил 9 декабрдаги 53/144-сон резолюциясида ҳар ким мустақил равишда ёки ваколатли вакили орқали суд ёхуд бошқа давлат органларига хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бузилган хукуқларини тиклаш бўйича мурожаат қилиши мумкинлиги белгиланган¹. Ушбу халқаро хуқуқий ҳужжат дунё мамлақатлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тўлиқ рўёбга чиқаришлари бўйича мақсадли чора-тадбирлар кўриш, давлат органлари томонидан мурожаатларни кўриш ва ҳал қилиш жараёнларини такомиллаштириш заруратидан далолат беради.

Жаҳон давлатларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонуний асосларда ҳал этиш, шунингдек ушбу фаолиятни соддалаштириш, тўлиқ электронлаштириш ва рақамли назорат ўрнатиш, давлат органларига йўлланган мурожаатларни кўриб чиқиш ҳолатидан мунтазам равишда хабардор бўлишни назарда тутувчи турли платформалар ишлаб чиқиш, мурожаатлар билан боғлиқ фаолият олиб борувчи ходимларнинг малакасини баҳолаш имкониятини яратиш, қабулларга оид фаолиятни такомиллаштириш, электрон мурожаатлар билан ишлашни сифат жиҳатдан янги погонага олиб чиқиш ҳамда бу соҳада барча давлат органлари, бинобарин, прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистон шароитида прокуратура органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан фаол ишлаб келмоқда. Хусусан, ушбу шахслар томонидан прокуратура органларига 2019 йилда 494.249 та, 2020 йилда 403.019 та ва 2021 йилда 520.179 та мурожаатлар йўлланган бўлиб², улар билан ишлаш самарадорлигини тубдан ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг конституцияда белгиланган сиёсий хукуқлари ҳисобланган мурожаат хукуқларини тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш, прокуратура органларини чинакам “халқ прокуратураси”га айланиш даврида уларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, мурожаатлarda кўтарилаётган муаммоларнинг қуий тизимлардаёқ қаноатлантирилишига алоҳида эътибор берилиб, бу борада зарур қонунчилик базасини яратиш бўйича қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “кейинги пайтларда Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларнинг аксарияти суд, прокуратура, ички ишлар идоралари фаолиятидаги

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий сайти // Электрон манбаа: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/defender.shtml (мурожаат вакти: 21.10.2021)

² Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ягона ҳисоботлар портали // Электрон манбаа: <http://report.bp.gov> (мурожаат вакти: 20.03.2022)

камчиликларга тааллуқлилиги, шуни инобатга олиб, ушбу идоралар халқимиз билан ишлашнинг мутлақо янги тизимини яратиши зарурлиги, ҳар бир ариза ва шикоятнинг қонуний ечими ана шу идоралар раҳбарлари фаолиятига берилган баҳо бўлиши”¹ деб таъкидлагани мазкур соҳани илмий асосларда тадқиқ этиш зарурлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги (2001) ва “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги (2017) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2016), “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022) Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги (2018) ва “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги (2018) Қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ва ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Демократик давлатни ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда мурожаатлар билан ишлаш институтнинг шаклланиши, унинг конституциявий-хуқуқий ва ташкилий-хуқуқий асослари ҳамда мурожаатлар билан ишлашнинг маъмурий процедураларига оид масалалари О.Т.Хусанов, О.Р.Файзиев, С.О.Юлдашев, С.Б.Юсуповлар томонидан тадқиқ этилган. Шунингдек, мазкур мавзунинг баъзи жиҳатлари айrim хукуқшунос олимларнинг илмий асарлари ва ўқув адабиётларида ёритилган. Хусусан, З.С.Ибрагимов, В.Каримов, А.Б.Комилов, О.Мадалиев, Г.Р.Маликова, М.Маннанов, М.Махбубов, Б.Х.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов ва бошқа олимларнинг асарларида муайян даражада ўрганилган.

МДҲга аъзо давлатларда прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш масалаларининг айrim жиҳатлари Алексеев С.С., Беляков П.А., Берензон А.Д., Бессарабов В.Г., Винокуров А.Ю., Григорьев Д., Капинус О.С., Крюков В.Ф., Литягина О., Магразде Л., Паштов Д.Р., Ремнев В.И., Ястребов Б. ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингандигининг 27 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузуси // Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/view/3119> (мурожаат вақти: 20.02.2022)

Хорижий олимлар Абдул Азим Ислаҳи (Саудия Арабистони), Г.Э.Грюнебаум (Австрия), М.Кук (Буюк Британия), Моҳд Малек Шаҳ (Малайзия), Ҳильда Ҳукҳем (Буюк Британия), Eberhard Schmidt-Abmann (Германия), ва бошқалар томонидан мазкур мавзунинг муайян масалалари тадқиқ этилган¹.

Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлаш институтини такомиллаштириш масалалари шу вақтгача комплекс тадқиқ этилмаган, алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлаш институтини такомиллаштириш” масалалари доирасида амалга оширилган (2020-2022).

Тадқиқотниң мақсади. Прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлаш институтини такомиллаштириш масалалари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотниң вазифалари:

Ўзбекистон худудида фуқаролар мурожаатларининг қонуний ҳал этилиши устидан назорат институтининг шаклланиши ва тарихий ривожланишини тадқиқ этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид қонунчилик хужжатлари ижроси устидан прокурор назорати предмети, мақсади ва принципларининг илмий-назарий асосларини таҳлил қилиш ҳамда мазмун-моҳиятини очиб бериш;

прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва бу соҳага оид қонунчилик хужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш механизmlарини такомиллаштиришга оид хulosаларни асослантириб бериш;

хорижий мамлакатлар прокуратура органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларга оид ҳукуқларини ҳимоя қилиш хусусиятларини ушбу давлатларнинг норматив-ҳукуқий хужжатларига мувофиқ қиёсий-ҳукуқий таҳлил қилиш;

прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларга доир ҳукуқларини рӯёбга чиқаришнинг мавжуд ташкилий асосларини ўрганиш орқали уларни такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотниң объекти прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлаш институтини такомиллаштиришни ташкилий-ҳукуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳукуқий хужжатлар, ҳукуқни қўллаш амалиёти,

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборатdir.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, қиёсий-хуқуқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, социологик (анкета сўровлари), статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, кузатув, хуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

ота-она қаровидан маҳрум бўлган вояга етмаган шахсларнинг давлат органларига йўллаган мурожаатлари уларнинг тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги сабабли рад этилишига йўл қўйилмаслиги ва мурожаатларнинг кўриб чиқилиши кафолатланиши асослаб берилган;

коррупцияга оид хуқуқбузарликлар тўғрисида мурожаат қилган шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари давлат ҳимоясида бўлиши, уларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилинишига, шунингдек иш берувчи томонидан уларнинг меҳнатига оид хукуқлари бузилишига йўл қўйилмаслиги ҳамда бу қонунга кўра жавобгарликка сабаб бўлиши асослаб берилган;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуқларига, эркинликларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд жамият ва давлат манфаатларига етказиладиган заарнинг миқдори аниқ белгиланиши зарурлиги асослаб берилган;

Бош прокуратурада жисмоний ва юридик шахсларнинг карантин чекловлари, фавқулотда ҳолатлар, эпидемиялар вақтида ҳам мурожаат қилишга бўлган хукуқларини тўлиқ амалга оширишлари учун қўшимча ишонч телефон рақамлари жорий этилиши, шунингдек, марказ операторлари мурожаатлар ҳақидаги маълумотларнинг ҳаққоний ва тўлиқ қайд этилишига шахсан масъул ҳисобланиши зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

прокуратура органларида жисмоний шахс ва юридик шахслар вакилларининг қабули бўйича ишларни тўғри ташкиллаштириш ва қабулга доир фаолиятни такомиллаштириш мақсадида қатор хорижий давлатларнинг (Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон) қонун ҳужжатлари таҳлил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг қабулини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги алоҳида буйруғини қабул қилиш зарурати асосланган ҳамда унинг лойиҳаси ишлаб чиқилган;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш, ишларни режалаштириш, текширишлар давомида эътибор берилиши лозим бўлган масалаларнинг алоҳида категориялари ишлаб чиқилган;

“мурожаатга жавоб”, “жамовий мурожаатлар” тушунчаларига муаллифлик таърифлари берилган ҳамда “Жамоавий мурожаатларни кўриб чиқиши тартиби”ни Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Конунига киритиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

очиқлик ва шаффоффликни таъминлаш, ошкоралик принципига тўлиқ риоя қилиш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг прокуратура органларига йўллаган мурожаатларини кузатиш имконини берувчи маҳсус “Прокуратурага мурожаат платформа”сини жорий этиш зарурлиги асосланган;

прокурор секторларига жисмоний ва юридик шахсларнинг йўллаган мурожаатларини кўриб чиқишининг алоҳида тартиби мавжуд бўлиши зарурати асосланган ҳамда унинг концепцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотининг ҳар бир боби якунида келтирилган хulosалар, шунингдек диссертация ишининг хulosасида ўз аксини топган умумназарий тўхтамлар (қоидалар), қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар суд ҳокимияти, прокурор назорати, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш ҳамда адвокатура фанида мавжуд бўлган назарий қарашларга, ушбу соҳадаги халқаро ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги, миллий қонунчилилар нормаларига, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётига, шу билан бирга, ижтимоий сўров натижаларига асосланганлиги (100 нафар туман (шаҳар) ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда 500 нафар фуқаролар (шу жумладан, 80 нафар тадбиркорлар)нинг фикрини ўрганиш мақсадида сўровнома-анкета тарқатилди) тадқиқот ишидаги ахборот базасининг ишончлилиги расмий нашрларда эълон қилинган статистик маълумотлардан, шунингдек монографик тадқиқотларда текширилган ва нашр этилган адабиётлардан фойдаланилганлиги билан белгиланади. Бундан ташқари, тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан 2019-2021 йилларда ўтказилган 100 та текшириш ва таҳлил материаллари, уларда қўлланилган 200 та прокурор назорати ҳужжатлари ҳамда 300 дан ортиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганиш натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хulosалар ҳамда таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги ва “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Конунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низом, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил 23 апрелида қабул қилинган ‘Прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг

мурожаатларини электрон қабул қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 221-сонли буйруғини ишлаб чиқишида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фаолиятини ташкил этишда, шунингдек, Бош прокуратура Академияси тингловчилари, Тошкент давлат юридик университети, юридик факультетлар талабалари учун турли ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда, олий таълим муассасалари ҳамда юридик техникумларда “Конституциявий ҳуқук”, “Прокурор назорати”, “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” модулларининг маъruzга ва семинарларини ўтишда, илмий тадқиқотлар олиб боришида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қўйидагиларда фойдаланилган:

Ота-она қаровисиз қолган болаларнинг давлат органларига бевосита қилган мурожаатларини тўлик кўриб чиқиш кафолатланиши ва бола тўлик муомала лаёқатига эга эмаслиги сабаблари билан бундай мурожатлари кўриб чиқилмаслигига йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 1022-сон Қарори З-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 6 майдаги 12/21-31-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати фаолиятида ота-она қаровисиз қолган ҳамда тўлик муомала лаёқатига эга бўлмаган вояга етмаган шахсларнинг мурожаат ҳуқуқларининг бузилишига олиб келадиган ҳолатларнинг олди олинишига хизмат қилган.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари давлат ҳимоясида бўлиши, Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахсларнинг ва уларнинг яқин қариндошларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилганлиги сабабли тажовуз қилишга, шунингдек иш берувчи томонидан уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмаслиги ҳамда бу қонунга кўра жавобгарликка сабаб бўлиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши қурашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-729-сон Қонунининг 28-моддаси 1 ва 4-қисмларини шакллантиришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқук ва коррупцияга қарши қурашиш қўмитасининг 2021 йил 30 ноябрдаги 41-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши коррупцияга қарши қурашиш фаолиятида бу тўғрисида хабар қилувчи шахслар ва улар оила аъзоларининг ҳуқук ҳамда

эркинликлари давлат томонидан ҳимоя қилинишини кафолатланишига хизмат қилган.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 144-моддаси биринчи қисми диспозициясига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклиф Жиноят кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг 179-моддасида “жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқларига, эркинликларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд жамият ва давлат манфаатларига анча миқдорда зарап етказилишига сабаб бўлса” шаклида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 19 мартағи 27/2-81-21-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ўтказишида содир этилган қонунбузилиши ҳолатларининг аниқ миқдорини белгилашга хизмат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш марказида Бош прокуратура раҳбариятининг кўрсатмасига асосан тезкор ходимларнинг ҳам жалб қилиниши, зарур ҳолларда қўшимча “ишонч телефон” рақамлари жорий этилиши мумкинлиги ҳамда операторлар мурожаатлар ҳақидаги маълумотларнинг ҳаққоний ва тўлиқ қайд этилишига шахсан масъул ҳисобланиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил 23 апрелида қабул қилинган “Прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини электрон қабул қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 221-сонли буйруғи 5-банди 1-хатбошиси, 11-банди 2-хатбошиси ва 15-бандида ўз ифодасини топган. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 15 апрелдаги 30/8-21-1067-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши Бош прокуратуранинг “ишонч телефони”га йўлланаётган мурожаатларга бўлган эътиборни сифат жиҳатдан яхшиланишига ва бу борадаги ишларни тўғри ташкил қилинишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 4 та илмий анжуманд, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра сұхбатлари ва семинарларда синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 14 та (9 та республика ва 5 та хорижий) ва конференция тўпламларида 9 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, саккизта параграфни ўз ичига олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмida тадқиқот мавзусининг долзарблик даражаси ва зарурати, тадқиқотниң республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотниң мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети, усувлари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда уларниң илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилингандиги, апробацияси, натижаларининг эълон қилингандиги, диссертацияниң ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертацияниң “Ўзбекистон ҳудудида мурожаатларниң қонуний ҳал этилиши устидан назорат институтининг шаклланиши ва тарихий ривожланиши” деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон ҳудудида фуқаролар мурожаатларининг қонуний ҳал этилиши устидан назоратниң шаклланиши ва ривожланиш генезиси, Туркистон ўлкаси ва собиқ Иттифоқ вақтида Ўзбекистон прокуратурасида мурожаатлар билан ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек Ўзбекистон мустақилликка эришгач жисмоний ва юридик шахсларниң мурожаат қилишларига бўлган ҳуқуқларини прокуратура органлари томонидан ҳимоя қилинишининг такомиллашуви ҳамда янги Ўзбекистон даврида мурожаатлар билан ишлаш соҳасининг тизими тадқиқ этилган.

Муаллиф томонидан М.Махбубов ва О.Мадалиев каби олимларниң фикрлари таҳлили асосида XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар Ўзбекистон давлатчилиги тарихида прокуратура органи ёки прокурор лавозими жорий этилмаган бўлса-да, мамлакагтимиз ҳудудида шариат нормаларининг бажарилишини назорат қилувчи маҳсус лавозим (муҳтасиб) жорий этилганлигини ва ушбу шахслар амалда ҳозирги прокуратура органларининг вазифаларини бажарганлигини асослашга ҳаракат қиласди.

Тадқиқот ишида муҳтасиб институтига оид манбаларни ретроспектив таҳлил қилиши натижасида (И.Б.Бўриев, Г.Р.Маликова, Моҳд Малек Шаҳ, А.А.Ислахи, Д.Готтерер, К.Раджабов, Б.Кандов, М.Н.Сокит) VII асрдаёқ пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) томонидан Мадина шаҳридаги бозорларда назоратни олиб бориш билан шуғулланиш мақсадида, кейинроқ ҳалифа Умар (р.а.) даврида инсон ҳуқуqlари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мулкий, оила ва никохга оид муносабатларни тартибга солувчи ҳамда фуқароларниң шикоятларини қабул қилиш ҳамда низоларни ҳал қилиниши устидан назоратни шариат нормаларига мувофиқ амалга ошириш мақсадида бугунги кунга қиёслаганда прокурор бажарадиган вазифа ва функцияларни ўзида мужассамлаштирган муҳтасиб лавозими жорий этилганлигини кўрсатиб берган.

Диссертант муҳтасиб институтининг ривожланиш формациясида Ўзбекистон ҳудудида кучли марказлашган давлат қуришга муваффақ бўлган Сомонийлар, Фазнавийлар ва Хоразмшохлар сулолалари даврига алоҳида

эътибор қаратган. Хусусан, муаллиф Сомонийлар ва Ғазнавийлар даврида муҳтасибнинг ваколатлари кенгайиб, ушбу лавозимни эгаллаш талаблари кучайган, Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида муҳтасибларга “имом”лик даражаси берилганлигини таъкидлайди.

Тадқиқотчи Темурийлар салтанати, Бухоро амирлиги, Хива ва Кўқон хонликларида ҳам фуқароларнинг мурожаатларига тааллуқли масалаларни қиёсий-хуқуқий таҳлил усули орқали ёритиб берган. Жумладан, “Темур тузуклари”да сипоҳ, раият ва арз-дод қилиб келувчиларнинг аҳволини, мамлакатнинг обод-ҳароблигини, муҳим ишлардан қайси бири битган-битмаганлиги тўғрисида Соҳибқирон Амир Темурни хабардор қилиб турувчи “арзбеги” лавозими жорий этилганлиги, вакиллар орқали мурожаат қилиш институти биринчи бор Бухоро амирлигига пайдо бўлганлиги, Хива ва Кўқон хонликларида ҳарбий ишларда қонун устуворлигини таъминлаш ва бу соҳада хуқуқий масалаларни шариат қонунлари асосида ҳал этиш билан раислар (бу даврларда айрим хонликларда муҳтасиблар раис деб номланган) шуғулланганлиги таҳлил этилган.

Диссертант прокуратура органларининг ташкил этилиши ва унда мурожаатларга оид қонунчилик хужжатлари ижроси устидан назорат институтининг тарихий асосларидан келиб чиқиб, унинг ривожланиб боришини шартли равишда беш босқичга ажратади. Унинг фикрича, биринчи босқич – 1887 йилдан 1917 йил октябрь Чор Россиясида давлат тўнташигача бўлган вақт, иккинчи босқич – прокуратура органларининг 1918-1936 йилларда Адлия Халқ Комиссариати тизимидағи фаолияти, учинчи босқич – Адлия Халқ Комиссариатидан мустақил марказлашган тизим сифатида ажralиб чиқсан даврдан Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунига қадар бўлган вақт, яъни, 1936-1991 йиллар, тўртинчи босқич – Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинган пайтдан бошланиб, 2016 йилгача бўлган давр, бешинчи босқич – 2017 йилдан бошланиб, янги Ўзбекистон прокуратурасининг ҳозирги кунгача бўлган даврни қамраб олади.

Биринчи босқичда, Туркистон ўлкасида прокуратура институти ташкил этилган вақтдан 1917 йилнинг октябригача бўлган муддатда хуқуқий муносабатлар соҳасида прокуратура фаолиятини ва ундаги мурожаатлар институтини тартибга солувчи ягона норматив-хуқуқий хужжат мавжуд бўлмаган. Ушбу босқич, Туркистонда прокурор лавозимига, асосан рус миллити вакиллари тайинланганлиги маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, анъаналари, уларнинг тили, маданиятидан бехабар бўлганлиги, фуқароларнинг мурожаатлари, шикоятларини жавобсиз қолдириши, шариат қонунларини инкор этишлари қисман бўлса-да, прокуратура институтини ривожланиши учун тўсиқ бўлганлиги билан характерланади.

Иккинчи босқич Туркистон АССРда фуқароларнинг мурожаатларига оид дастлабки қоидалар норматив-хуқуқий хужжатларда ўз аксини топганлиги билан муҳим аҳамият касб этиши, ушбу хуқуқий нормалар Советларнинг

VI Бутунrossия Фавқулодда съездиде “Қонунларга аниқ риоя қилиш тұғрисида”ги Қарори (1918) билан жорий этилганлиги келтириб үтилган.

Учинчи босқичда прокуратура органларининг мустақил марказлашган тизимга айланганлиги ёритилган. СССР Олий Советининг “Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятларини күриб чиқиш тұғрисида”ги қарори (1968)да биринчи бор мурожаатларнинг уч турға бўлиниши (ариза, таклиф ва шикоят) ҳамда “давлат органларига мурожаат” тушунчасига илк бор норматив хужжатда таъриф берилган.

Тўртинчи босқичда Ўзбекистон мустақилликка эришган вақтдан 2016 йилгача бўлган даврда прокуратура органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг Конституцияда сиёсий хуқуқларидан бири сифатида белгиланган мурожаат қилиш хуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқарилишининг янги хуқуқий асослари яратилганлиги қайд этилган.

Бу босқичнинг ушбу соҳага оид хуқуқий негизини ташкил қилувчи қонун хужжатлари сифатида 1992 йилда қабул қилинган “Прокуратура тұғрисида”ги Қонуни ва мамлакатни янада демократлаштириш, бошқарувни модернизация қилиш, суд-хуқуқ соҳасини либераллаштириш мақсадида 2001 йилда “Прокуратура тұғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши, ушбу Қонунда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш процедурасини янада муфассал тартибга солишга, мурожаатларни кўриб чиқишида давлат органларининг аниқ вазифаларини ва уларнинг жавобгарлик доирасини аниқлаштиришга ҳамда мурожаат қилиш хуқуқининг кафолатларини кучайтиришга қаратилганлиги кўриб үтилган.

Бешинчи босқичда (2016 йилдан ҳозирги кунгача бўлган давр) мамлакатда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида юксак эътибор берилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси ва Виртуал қабулхонаси ташкил этилганлиги, барча даражадаги давлат органлари фаолиятида «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган тамойилни амалда қарор топтириш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тұғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда ишлаб чиқилганлиги келтириб үтилган.

Тадқиқот натижалари бўйича Бош прокуратура ҳамда Мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш Марказига йўлланган мурожаатларни кўриб чиқилиш жараёнини маҳсус “Прокуратурага мурожаат платформаси”ни яратиш орқали кузатиш ва танишиш мумкинлиги тұғрисидаги таклиф хорижий давлатлар (Сингапур, Латвия, Эстония, Беларусь, Россия Федерацияси, Қозогистон) тажрибасини ўрганган ҳолда илгари сурилган.

Бунинг аҳамияти шундаки, биринчидан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг “Тараққиёт стратегияси” 11-мақсадида мустаҳкамланган “Халқ билан очик мулоқотнинг механизмларини янада тақомиллаштириш” давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири

бўлган очиқлик ва шаффофлик таъминланишига эришилади ҳамда иккинчидан, Бош прокуратуранинг “ишонч телефон”ларига йўлланган мурожаатлар электрон мурожаатларга тенглаштирилганлиги ҳисобга олинса, электрон мурожаатлар билан ишлаш бўйича иш сифатининг ошишига хизмат қилади.

Диссертант томонидан 2019-2021 йилларда Бош прокуратуранинг мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш Марказига йўлланган мурожаатларни таҳлил қилиш асосида мурожаатлар билан ишлаш фаолиятини самарали ташкил қилиш учун қуидагиларга эътибор бериш тавсия этилди:

- мурожаатларни кўриб чиқилиши ва қонуний ҳал этилишини таҳлил қилиш орқали мурожаатлар салмоғи ортиб бораётган ҳудудлар ҳамда мазкур ҳудудлардаги “энг оғриқли” масалалар бўйича зарур чора-тадбирларни кўриш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқкан ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига имкон берувчи ҳолатларнинг асл сабаб ва шароитларини аниқлаб, уларни бутунлай бартараф этиш чоралари кўриш, яъни, оқибатлар билан эмас, сабаблар билан курашиш;

- мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, юз бераётган воқеалар ҳақида ахолини ўз вақтида ҳаққоний хабардор қилишни ташкил этиш.

Тадқиқотчи бугунги кунда мамлакатда коррупцияга қарши муросасиз курашиш бўйича прокуратура органлари томонидан муайян ишлар амалга ошириб келинаётганлигига эътибор қаратган.

Хусусан, прокуратура органи ходими фаолиятида коррупция билан боғлиқ хатти-харакат кузатилган тақдирда жисмоний ва юридик шахслар зудлик билан Бош прокуратура Шахсий хавфсизлик бошқармасининг “Ишонч телефони”га бевосита мурожаат қилишлари мумкинлиги жорий этилганлиги ижобий баҳолангандан. Шу билан бирга, мазкур “Ишонч телефони”га йўлланадиган мурожаатлар мухим аҳамият касб этишини инобатга олиб, ушбу мурожаатлар билан ишлаш алоҳида Регламент асосида тартибга солиниши кераклиги тўғрисида таклиф илгари сурилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва унга оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш механизмлари” деб номланиб, уч параграфни ўз ичига олади.

Ушбу бобда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати предмети, мақсади ва фаолият принципларининг мазмун-моҳияти очиб берилган, мазкур соҳадаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш фаолияти ҳамда прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўрни ва аҳамияти илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Жумладан, муаллиф тадқиқот иши доирасида олимларнинг (О.Файзиев, С.Юлдашов, В.Маклаков) илмий ишлари таҳлили натижасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 35-моддасида мустаҳкамланган шахсларнинг сиёсий ҳукуқларидан бири ҳисобланган мурожаат қилиш ҳукуқи ва прокурор назорати конституциявий-ҳукуқий тизимнинг бир элементи бўлиб, институт сифатида баҳоланиши тўғрисидаги фикрга келган.

Тадқиқотчи жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларга оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан назорат предметини таҳлил қилишда олимларнинг (З.С.Ибрагимов, П.Беляков, А.Берензон, Л.Магразде, О.Литягина) турлича ёндашувларини таҳлил этиб, ушбу соҳада назорат предмети жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳукуқларига доир ҳалқаро ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида мустаҳкамланган нормалар, мурожаатларга доир қонун ва қонуности ҳужжатлари, давлат идоралари мансабдор шахслари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан мурожаат қилиш ҳукуқига оид қабул қилинган қарорлари бўлиб ҳисобланиши тўғрисида хulosага келган.

Тадқиқот иши доирасида муаллиф томонидан миллий қонунчилик ва олимларнинг (В.Ф.Крюков, О.Капинус, Д.Р.Паштов, Д.Григорьев, П.А.Беляков) илмий ишлари таҳлил қилиниши натижасида прокуратура органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан назоратнинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасида мустаҳкамланган прокуратура органларининг асосий вазифаларидан келиб чиқиб, мурожаатлар бўйича қонун устуворлиги ва мустаҳкамлигини ҳамда жамият ва давлатнинг қонуний ҳимояланган манфаатлари ҳимоясини таъминлаш; жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлар соҳасидаги ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш; жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳукуқ ҳамда эркинликларини тиклаш; жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг мурожаат қилиш билан боғлиқ ҳукуқлари бузилиши оқибатида етказилган моддий зарар ва компензация тўловини ундиришдан иборат эканлиги қайд этилган.

Муаллиф прокурор назорати назариясида мавжуд ғоя ва қарашларни таҳлил қилиш натижасида (Б.Пўлатов, Ф.Рахимов, О.Капинус, П.Беляков, Б.Ястребов) прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда бу соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш жараёнидаги принципларни шартли равишда умумий (Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида мустаҳкамланган принциплар), махсус (Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида белгиланган принциплар), прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларига оид принциплар, процессуал (фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий судларда прокурор ваколатини таъминлашда қўлланиладиган

принциплар), ички-идоравий (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятига оид буйруқларида белгиланган принциплар) каби бешта гурухга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблади.

Диссертант юридик адабиётларда (Б.Х.Пўлатов, З.С.Ибрагимов, А.Худойберганов, Ю.Винокуров, А.Ендолъцева, О.Химичева, О.Капинус, П.Беляков) прокурор назоратига оид турлича қарашларни таҳлил этиш натижасида прокуратура органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид қонунчилик хужжатлари ижроси устидан назоратни амалга оширишда текширишга тайёргарлик кўриш, текширишлар давомида зарур маълумотларга эга бўлиш, бу борада ишларни ташкиллаштириш ҳамда назорат тадбирларини олиб бориш масалаларига тўхталиб ўтган.

Муаллиф юридик адабиётларни (О.Р.Файзиев, А.М.Нагимова, А.А.Дугарова, Е.Д.Варфоломеева) ўрганиш натижалари бўйича давлат органларининг, ташкилотларнинг раҳбарлари ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари ўз тузилмавий бўлинмалари томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширишлари, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини белгилаш орқали ҳар бир давлат органида ишлаётган ходимлар фаолиятини баҳолаш мезонлари KPI (Key Performance Indicator)ни ишлаб чиқиш ва унда “жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятини баҳолаш” бўйича алоҳида индикаторни киритиш, шунингдек, баҳолаш натижалари бўйича ижобий рейтингга эришган ходимларни рағбатлантириш, уларда мотивацияни ошириш тизими назарий-хукукий жиҳатдан асослантирилган.

Диссертант фикрича, прокурор назоратига оид илмий ишларни (Т.Умаров, А.Акобиров, Д.Григорьев) таҳлил қилиш натижасида, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик ижросини давлат органларида ўтказиладиган текширишларда, назорат тадбирларининг сифатли, тўлақонли ва ҳар томонлама ўтказилишини ҳамда натижадорлигини таъминлаш, назорат обьектларида қонунийлик аҳволига тўғри баҳо бериш, мавжуд тизимли муаммоларга аниқлик киритиш, бу борадаги ишларни тўғри ташкиллаштириш, прокуратура органларида ишлаётган ёш мутахассислар учун мазкур йўналишдаги ишларни амалга оширишнинг усул ва услублари, тактика ва методикасини ўзида мужассамлаган “Услубий кўрсатмалар”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотчи томонидан диссертация ишининг янада мукаммал ва амалий бўлишини таъминлаш мақсадида 2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг малака ошириш ҳамда раҳбар кадрларни тайёрлаш курсларида таҳсил олган прокуратура органларининг қуи тизими ҳисобланган туман (шаҳар) ва уларга tenglashтирилган, ихтисослаштирилган прокуратуралар прокурорлари билан анкета сўровномалар ўтказилган. Сўровномада иштирок этган 100 нафар

туман (шаҳар) прокурорлари томонидан билдирилган фикрлар тўпланган, таҳлил қилинган ва умумлаштирилган ҳамда хорижий мамлакатлар (Арманистон, Қозоғистон, Беларусь, Қирғизистон) тажрибаси асосида прокуратура органлари тизимида жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Бош прокурорнинг қабулга оид алоҳида буйругини қабул қилиш таклиф этилган ва унинг лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи прокуратура органлари тизимида қуи бўғин ҳисобланган туман-шаҳар прокуратураларида жисмоний шахс ва юридик шахсларнинг вакилларини “онлайн қабул” қилиш тартибини жорий этиш хорижий давлатлар (Германия, Буюк Британия, Австралия, Россия Федерацияси, Америка Кўшма Штатлари, Эстония, Туркия) қонунчилиги таҳлили, ўтказилган ижтимоий сўров натижалари асосида мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида хulosага келган.

Диссертант прокурорлар секторларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш алоҳида ўринга эга бўлиб, унинг ушбу органга юклатилган устувор вазифалардан ҳисобланишини таҳлил қилган. Шу ўринда, прокурорлар секторларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни тартибга солувчи алоҳида хужжат ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида хulosага келган.

Тадқиқотчи томонидан олимларнинг (Ш.Уразаев, Ф.Х.Рахимов, А.Акобиров) илмий қарашлари ва 500 нафар респондент ўртасида ижтимоий тармоқлар орқали ўтказилган сўровнома натижаларини таҳлил қилиш ҳамда хорижий давлатлар (Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон, Беларусь) тажрибаси асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига бўлган эътиборни ошириш, уларни қонуний муддатларда ҳал қилиш чораларини кўриш, бу соҳадаги давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйишларини ва прокурор назорати хужжатларини қўллашни камайтириш, ишларни аниқ механизмлар асосида тўғри ва самарали ташкил этилишини таъминлашнинг самарали усулларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекси 43-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф берилган.

Диссертация ишида жисмоний ва юридик шахслар томонидан давлат органларида йўлланган мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича “шаблон” ёки мазмунсиз жавоблар беришнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни З-моддасида белгиланган асосий тушунчалар қаторига “мурожаатга жавоб” тушунчасини киритиш зарурлиги таклиф этилган.

Тадқиқот ишининг учинчи боби “Прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболлари” деб номланиб,

мазкур бобда илфор ривожланган давлатлар, жумладан, Франция, АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Латвия, Испания, Швейцария, Хитой ҳамда бир қатор МДҲ давлатлари прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтига оид қонунчилик нормаларининг ўзига хос жиҳатлари қиёсий-хуқуқий жиҳатдан таҳлил этилган.

Муаллифнинг назарича, юридик адабиётларда олимлар (З.С.Ибрагимов, О.Тошев, А.Алламуратов, Д.Хамдамова) томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилиш орқали хорижий мамлакатлар прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятининг норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган нормаларини таҳлил қилиш ҳамда ушбу давлатларнинг ўзига хос хусусиятларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларини ёритишда, ушбу давлатларнинг хуқуқий тизими, аҳолининг хуқуқий саводхонлик даражаси, урф-одат ва анъаналарнинг бир-бирига ўхшашлиги, давлатнинг бошқарилиш механизми кабиларни инобатга олиш мақсад мувофиқ ҳисобланади.

